


# COVID-19нинг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга таъсири

## 2020 йил июнь ҳолатига “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” лойиҳаси юзасидан янгиланган маълумот

COVID-19нинг авж олиши муносабати билан аҳоли бандлиги, фаровонлик ва даромадларнинг сезиларли даражада қисқариши рўй берганидан сўнг, июнь ойида чеклов чораларининг босқичма-босқич бекор қилиниши меҳнат бозорининг жуда тез жонланишига олиб келди. “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” лойиҳаси доирасида йиғилган маълумотларнинг 22 июнь ҳолатига кўра, май ойларидаёқ кузатила бошланган жонланиш жараёни тобора кучая бошлади ва ўз-ўзини банд қилиш ва иш ҳақи тўланадиган бандлик кўрсаткичлари тиклана бошлади. Бироқ келтирилган ҳулосалар 10 июль кунидан жорий қилинган кучайтирилган карантин чора-тадбирларни ҳисобга олмайди; уларнинг таҳлили тадқиқотнинг кейинги босқичида келтирилиши режалаштирилган. Пул ўтказмалари, ишчиларнинг даромадлари ва мавжуд вакансиялар сонига доир кўрсаткичлар COVID-19гача бўлган давр тенденциялари билан солиштирганда анча пастлигича қолмоқда, бу эса кам таъминланган оилаларга нопропорционал тарзда таъсир кўрсатмоқда. Респондентларнинг озчилик, лекин аввалгидан кўпроқ қисми соғлиқни сақлаш тизими катта зўриқиш билан ишлаётганини таъкидлаган, бу соғлиқни сақлаш тизимидаги вакансиялар сони 2019 йилда мавжуд бўлган вакансиялар сони билан солиштирганда июнь ойида кескин ошиб кетган вақтга мос келади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги ва бошқа етишмовчиликлар кўрсаткичлари инқироз даврида даромадни йўқотиш тўғрисидаги маълумотлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўзгармоқда. Олинган жавоблар шундан гувоҳлик бераптики, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги ҳақида янги далиллар мавжуд эмас ва 3,8 миллионга яқин фуқарога у ёки бу кўринишда тезкор ёрдам кўрсатилган.





Саволлар ёки изоҳларни Уильям Зайтсга  
жўнатишингизни сўраймиз:

[wseit@worldbank.org](mailto:wseit@worldbank.org)


## Даромадлар

- **Июнь ойида аҳолининг меҳнат билан бандлиги жадал суръатларда аввалги даражасига қайтишда давом этди.** Ҳеч бўлмаганда битта аъзоси ишлайдиган оила хўжаликлари улуши апрель ойида 40 фоизлик пункт миқдорида қисқариб кетди, лекин, кейинчалик, июнь ойида 33 фоизлик пункт миқдорида қайта тикланди. Оилаларда кимнингдир “ишини йўқотганлиги ёхуд ишини тўхтатгани” тўғрисида маълумот берувчи жавоблар июнь ойида 3 фоизга қадар камайгунча апрель ойида 1 дан 19 фоизгача ошган. Жавоб берувчиларнинг деярли барчаси ишдаги танаффусларни муваққат ҳолат, деб ҳисоблашларини билдирганлар. Бироқ меҳнат билан бандлик даражаси 2019 йил кўрсаткичлари ва COVID-19 пандемияси бошлангунга қадар мавжуд тенденциялар билан солиштирганда анча паст даражада қолмоқда.
- **Меҳнат билан бандликнинг қисқариши ўз-ўзини банд қилганлар ўртасида яққол сезиларли ва давомли бўлган.** Ўз-ўзини банд қилган деб ҳисобланувчи респондентлар улуши апрель ойида 67 фоизга қадар қисқарган ва июнь ойида 26 фоизга қисқарганича қолган. Аксинча, ойлик иш ҳақи эвазига ишлайдиган шахсларнинг меҳнат билан бандлигининг ўртача даражаси июнь ойида 2019 йилдаги даражага қайтган, ушбу кўрсаткичга эркаклар орасида аёлларга қараганда тезроқ эришилган.
- **Вакансиялар тўғрисидаги маълумотлар иқтисодиётдаги тикланиш белгиларини кўрсатади, касалланиш авж олган кунларга қараганда янги вакансиялар сонининг 80 фоизга қисқарганлиги бунга далил бўла олади.** 2019 йилнинг айнаи шу даврига солиштирганда, мазкур қисқаришлар кўрсаткичи энг катта бўлган соҳалар қаторига туризм, дам олиш ва кўнгилочар тадбирлар (-95 фоиз), бар ва ресторанлар (-91 фоиз) ва таълим хизматлари (-85 фоиз) киритилган. Ҳатто у қадар зарар кўрмаган касбларда ҳам қисқаришлар сони аввалги йилнинг айнаи шу даври билан солиштирганда 50 фоиз ёки ундан кўпни ташкил қилган, айнаи вақтда, июнь ойида тиббиёт ва қурилиш соҳаларида жадал тикланиш кузатилган.



Саволлар ёки изоҳларни Уильям Зайтсга  
жўнатишингизни сўраймиз:

[wseit@worldbank.org](mailto:wseit@worldbank.org)



Изоҳ: Маълумотлар olx.uz томонидан тақдим этилган

### Камбағаллик, молиявий фаровонлик ва давлат хизматлари

- **Пандемия даврида камбағаллик чизиғидан паст даражада ҳаёт кечирувчи аҳоли<sup>1</sup> сони ўсган.** Жаҳон банки прогнозига кўра камбағаллик даражаси COVIDга қадар даврда кузатилган даража билан солиштирилганда пандемия даврида 8,7-10 фоизга ўсган – камбағаллик даражасига тушиб қолган янги шахслар сони 450 000 дан 880 000 ошган. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартирганлигини белгилаган оила хўжаликлари улуши апрель ойида кескин равишда 26 фоизга ўсиб, сўнгра июнь ойида 22 фоизгача пасайган.
- **Баҳолаш натижаларига кўра, 3,8 млн га яқин фуқаро фавқулодда вазиятда у ёки бу кўринишда кўмак олган.** 11 фоизга яқин фуқаро пандемия бошлангандан сўнг бевосита кўмак олганлигини кўрсатган. Кўмакнинг аксарият қисми (92 фоиз) пул кўринишида бўлмаган кўмак ёки ваучерлар кўринишида берилган ва кўпроқ шаҳар жойларида тарқатилган. Кўмак олиш, кўп ҳолларда, даромад даражасининг анча пастлиги билан мувофиқ келади, бу, ўз навбатида, дастурлар томонидан кўмакнинг пропорционал бўлмаган катта қисми эҳтиёжманд оилаларга берилганини кўрсатади.

<sup>1</sup> Қиёслаш учун даромад даражаси ўртачадан паст бўлган мамлакатларга мос келувчи даражадан фойдаланилди (2011 йилги ХЛП да киши бошига бир кунда 3,2 доллардан ифодаланган)



Саволлар ёки изоҳларни Уильям Зайтсга жўнатишингизни сўраймиз:

[wseit@worldbank.org](mailto:wseit@worldbank.org)

- **Май ва июнь ойларида тиббий ёрдам ололмаганлигини белгилаган фуқаролар сони ошган.** Касаллик авж ола бошлаганидан сўнг, респондентларнинг 6-8 фоизи оила аъзоларидан бири тиббий даволанишдан ўтиши зарур бўлганлигини кўрсатган. Май ойидан бошлаб, сўнгра июнь ойида 16 фоизга яқин респондент даволаниш учун қилган уринишлари самара бермаганлигини кўрсатганлар, гарчи ушбу баҳо мавжуд ҳолатларнинг у қадар катта бўлмаган сонидан келиб чиққан бўлса ҳам.
- **Даромадини йўқотган оила хўжаликлари ҳаражатларнинг ошганини бошқаларга нисбатан кўпроқ таъкидлаганлар ва пандемиянинг иқтисодий таъсиридан бошқаларга қараганда кўпроқ ташвиш билдирганлар.** Респондентларнинг 53 фоизга яқини ўз ҳаражатларидаги салмоқли ўзгаришлар тўғрисида маълум қилганлар. Уларнинг 60-65 фоиз атрофидагилари сўнги 30 кун ичида одатдагига қараганда кўпроқ сарф қилганини белгилаган, қолганлар эса одатдагига қараганда камроқ сарф қилганини кўрсатган. Ҳаражатларнинг ошиши инқироз даврида даромадларни йўқотиш билан боғлиқ бўлиб, паст даромадли шахслар катта эҳтимол билан пандемиянинг иқтисодий оқибатларидан “қаттиқ қайғурадилар”.
- **Инқирозга қадар фаровонлик даражаси юқори бўлган уй хўжаликлари таъсирларга бардошли экани маълум бўлди.** Молиявий маблағларнинг иқтисод қилиниши инқирозга қадар мавжуд даромадлар даражасига боғлиқ бўлади ва ҳаражатлари ошганлигини билдирган респондентлар карантинга қадар бошқаларга қараганда кўпроқ ҳаражат қилувчилар сирасига мансуб бўлган.
- **Фуқароларнинг катта қисми ўзларининг базавий эҳтиёжларни қондириш имкониятлари мавжуд эмаслиги ва жамғармаларига эга эмасликларини билдирганлар.** Апрель ойидан то бугунги кунга қадар озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш имконияти мавжуд бўлмаганлар сони илгариги салкам 9 фоиздан бугунги 11 дан ошиқ фоизгача ўсган. Оила хўжалиklarининг молиявий ҳолати заиф аҳволда: респондентларнинг ярмидан кўпи жамғармалари мавжуд эмаслигини ва 40 фоизи кўзда тутилмаган 100 минг сўмгина (9,8 доллар) ҳаражатларни тўлай олмаслигини белгилаган.
- **Товарларнинг маҳаллий етишмовчилиги ҳолатлари июнь ойида қисқарган.** Ўз яшаш ҳудудларида захиралар тугаганлигини респондентларнинг 1 фоизга яқини кўрсатган, бу эса апрель ойида белгиланган 16 фоиздан анча кам. Бунда сўз нархларнинг ошиши тўғрисидаги маълумотлар билан бирга, кўпроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари, асосан, ун тўғрисида бормоқда. Дори-дармон ва ниқобларнинг сотувда қолмаганлигини кўрсатиш ҳолатлари июнь ойида апрелдаги 5 фоиздан эътиборга олмайдиган даражага қадар қисқарган.



Саволлар ёки изоҳларни Уильям Зайтсга  
жўнатишингизни сўраймиз:

[wseit@worldbank.org](mailto:wseit@worldbank.org)

## Миграция ва пул ўтказмалари

- **Пул ўтказмаларини қабул қилувчи оилалар улуши июнь ойида пастлагандан сўнг қайта тикланган, аммо 2019 йилнинг шу давридагидан анча паст кўрсаткични ташкил этади.** Апрель ойида у ёки бу турдаги пул ўтказмалари қабул қилган оилалар улуши аввалги йилнинг айни шу даври билан солиштирганда икки баравар қисқарган, шундан сўнг май ва июнь ойларида унча-мунча тикланган. Пул ўтказмалари қабул қилиб юрганлар учун ўтказмаларнинг ўртача миқдори апрель ойида 21 фоизга қисқарган (сўмда, инфляция ҳисобга олинган ҳолда), аммо кейинчалик, май ойида Россия рублининг мутаҳкамланиши билан ўсган.
- **Респондентларнинг анча кам қисми оила аъзолари ҳорижда ишлашини билдирган.** Апрель ойида қариндошлари ҳорижда ишлайдиган оилалар улуши 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоизлик пунктга кам миқдорни ташкил қилган. Ҳозиргача ҳорижда бўлиб турганлар орасида фаол иш билан таъминланганлар 88 фоиздан тахминан 73 фоизга қадар пасайган. 2019 ва 2020 йиллардаги кўрсаткичлар орасидаги фарқ май ва июнь ойларида – анъанавий тарзда миграциянинг мавсумий ўсиши кузатиладиган даврда катталашган. Апрель ойидан июнь ойигача бўлган даврда “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” лойиҳаси сўровномасида иштирок этган оилалар орасида келгусида ҳорижда миграция қилиш имкониятини чамалаётганлар улуши деярли нолга тушиб қолган.



## Хабардорлик ва амал қилиш

- **Коронавирус таъсиридан хавотирланиш даражаси юқориликча қолмоқда.** Респондентларнинг деярли барчаси COVID-19нинг нима эканини билишини белгилаган ва 75 фоиздан ортиқ респондент у билан “яхши таниш” эканини таъкидлаган. COVID-19нинг яширин таъсиридан хавотирланиш даражаси апрелдан июнь ойигача бўлган даврда бир оз пасайди: ўз саломатлигига бўлган хавфдан “қаттиқ хавотирда” бўлганлар улуши 64 фоиздан 60 фоизга ва пандемиянинг иқтисодий таъсиридан “қаттиқ хавотирланганлар” улуши 61 фоиздан 56 фоизга қадар пасайган.



Саволлар ёки изоҳларни Уильям Зайтсга  
жўнатишингизни сўраймиз:

[wseit@worldbank.org](mailto:wseit@worldbank.org)

- **Тобора кўпроқ фуқаролар ҳукуматнинг сўнги ҳафтада COVIDга оид расмий хабарларидан хабардор эканликларини билдирмоқда.** Апрель ойида фуқароларнинг 75 фоизи расмий эълонларни эшитганларини белгилаган бўлсалар, июнь ойида бу кўрсаткич 80 фоизгача кўтарилган. Респондентларнинг деярли барчаси телевизор ахборотнинг асосий манбаси бўлиб хизмат қилишини кўрсатган. Шунингдек, апрель ойидан кейинги даврда оммавий манбалар қаторида ижтимоий тармоқлар (12 фоиз) ва СМС-хабарномалар (15 фоиз) ҳам кўрсатилган. Фуқароларнинг оз қисмигина расмий эълонлардан газета, радио ёки танишлари орқали хабардор бўлишини кўрсатган. Апрель ойидан кейинги даврда ўртача 60 фоиз респондент маҳалла вакилларида COVID билан боғлиқ кўрсатмалар олаётганини белгилаган.
- **80 фоизга яқин фуқаро пандемия даврида кундалик хатти-ҳаракатлари ўзгарганлигини кўрсатган.** Бунда кўпроқ ниқоб тақиш (98 фоиз), қариндошлар ва дўстларни камроқ ташриф буюриш (84 фоиз), қўлларни кўпроқ ювиш (81 фоиз), қўл сиқишиб, ўпишиб саломлашишни чеклаш (77 фоиз), ижтимоий масофаланиш (72 фоиз), уйдан ташқарида ишлаш вақтининг камайгани (51 фоиз), ўз-ўзини изоляциялаш (17 фоиз) сингари ҳолатлар назарда тутилган. Респондентлардан деярли ҳеч ким ўз жавобида сўнги вақтда одамлар гавжум бўлган жойга борганлигини белгиламаган. Сўнги вақтларда иш, саёҳат учун имкониятларнинг чекланганлиги, ижтимоий масофаланиш ва ўз-ўзини изоляциялаш чоралари кучайтирилгани тобора кўпроқ таъкидланмоқда.
- **Респондентлар қўл ювиш тўғрисидаги талабларга риюя қилиш даражаси ўсиб бораётганини таъкидламоқда.** Сўровда ишитроқ этганларнинг қуйи квинтили қўлларини бир кунда ўртача 5,5 марта ювишларини белгилаган, бу апрель ойида белгиланган 4,8 мартадан ортиқроқдир. Сўровда иштироқ этганларнинг ўрта квинтили қўлларини бир кунда 10 марта ювишини белгилаган. Май ва июнь ойларида фуқароларнинг 66 фоизи суҳбат ўтказилган пайтгача уйдан чиқмаган, қиёслаш учун: апрель ойида бу кўрсаткич 62 фоизни ташкил қилган.

### Болаларнинг таълим олиши

- Май ойида мактаблар ёпиқ бўлишига қарамай, **мактаб ёшидаги болаларнинг деярли барчаси таълимий ва ўқув машғулотларига жалб этилган эди** (97 фоиз). Июнь ойида кўпгина таълимий тадбирлар мактаб таътили даврида тўхтатилди ва фарзандларининг таълимий машғулотларга жалб этилганлигини белгилаган респондентлар сони 67 фоизгача қисқарди. Респондентларнинг аксарияти (69 фоизи) масофадан ташкил этилган машғулотлардан ўрта ҳисобда қониққанлигини билдирган ва фақат 8 фоизигина ўрта ҳисобда ёки бутунлай қониқмаган. Бироқ пандемия бошланган вақтдан буён ўз фарзандларига сифатли таълим бера олиш қобилиятидан хавотирланишини билдирган респондентлар улуши 5 фоизлик пункт миқдоридан ўсган.
- **Болалар учун мўлжалланган ўқув тадбирларининг аксарияти машғулотларнинг асосий шакли бўлиб ҳисобланган телевизион таълимий дастурлар шаклида ифодаланган эди**, бу май ойида олинган жавобларнинг 87 фоизига тўғри келган. Мобил ўқув дастурлари 6 фоиз респондентлар учун ўқитишнинг асосий методи бўлиб хизмат қилган, айтилиши вақтда ўқитувчилар томонидан индивидуал топшириқлар юзасидан ўтиладиган машғулотлар ёки репетитор машғулотларини яна 5 фоиз респондент белгилаган.




Саволлар ёки изоҳларни Уильям Зайтсга  
жўнатишингизни сўраймиз:

[wseitiz@worldbank.org](mailto:wseitiz@worldbank.org)

- **Аҳоли орасида телевидениедан фойдаланиш имкониятининг юқори даражаси (89 фоиздан ортиқ) ушбу форматнинг алоҳида оммабоблигининг сабаби бўлади.** Смартфонлардан фойдаланиш имконияти оилаларнинг 70дан ошиқроқ фоизи учун мавжуд ва оилаларнинг ярмига яқини мобил интернетдан фойдаланиш имконига эга эканликларини кўрсатган. 15 фоизга яқин респондент персонал компьютер ёки ноутбукка эга эканини белгилаган; мазкур респондентларнинг аксарият кўпчилиги юқори даромадга эга оила хўжаликлари вакиллари дир ва 8 фоиз иштирокчилар уйларига интернет тармоғи ўтказилганлигини кўрсатганлар.

«Фарзандларимга яхши таълим бера олмаслигим мени хавотирлантиради».



Тўлиқ қўшиламан Қўшиламан Қўшилмайман Бутунлай қўшилмайман



"TARAQIQOT STRATEGIYASI"  
MARKAZI



CENTER FOR ECONOMIC  
RESEARCH AND REFORMS

Саволлар ёки изоҳларни Уильям Зайтсга  
жўнатишингизни сўраймиз:

[wseitz@worldbank.org](mailto:wseitz@worldbank.org)